Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 24 октябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 82(7078)

БУХОРИЙ БОБОМ АЙТУР...

Во ажабо! Бу нима тушумми, ўнгим,
Ёки бехиштларнинг сийрати бунда?
Жаҳолат уйқусидан уйғонган элим,
Қандай бахтли яшар, гўзал, осуда.

... Менким, Исмоил ал-Бухорийдурман,
Ҳадис гулшанидан тердим жавоҳир.
Ўзбегим, мен сенинг пок иймонингман,
Аллоҳим, сен буюк ҳар ишга қодир.

Илмнинг хислатин айлайин баён,
Илмдан юксалар ҳар қандай инсон.
Илмсиз жаҳолат ҳукмида аён,
Илмдан бу замин бўлар гулистон.

Ақлнинг чироғи китобдан эрур,
Китоб бу хазина ақл машъали.
Ҳар инсон онгини ёритар шуур,
Китобдан топдик биз дуру, гавҳарни.

Имон одамийлик калити эрур,
Имонсиз одамда бўлмас диёнат.
Топилмас унда ҳеч инсоний ғурур,
Ҳаттоки дўстига қилар хиёнат.

Маърифат ҒАНИЕВА,
ўқитувчи



ШАРИФЛИККА ЙЎҒРИЛГАН КУН



Президент Ислом Каримовнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиғилган жамоат, ал-Бухорийнинг муътабар хокини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мумин-мусулмонлар том маънода бахтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб - улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амалдар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Оллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг муътабар хоклари макон топган замингина муқаддаслар. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Халқимизни, айниқса ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало Оллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятларда бизга метин ирода, сабот-матонат, ғайрат ва жасорат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.

Бу манба — ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қудратидир.

Бу манба — уларнинг бизга ҳамиша мададкор буладиган ўлмас руҳи поклиридир.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан, Ўзбекистоннинг истиқлоли боқий, истиқболи буюк, дер эканмиз, мана шундай мустаҳкам асосларга таянамиз.

Муҳтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг ўзвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, ҳайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, Устозларнинг устози, Муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу меросниг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда.

Муҳтарам биродарларим!

Биз эски тузум, эски мафкура зугумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаънашавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мумин-мусулмонларга руҳий-маънавий қуч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Оллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуғ кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёраттоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркам бинолар ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида ғурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам беиҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, уни шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Оллоҳ таоло олдида, аждодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуғ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча тақсинга арзийди. Бу улуғвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидойи инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёраттоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуғ обидага ғишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуғ бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, Ислом динининг бош ғояси — бу «Ло илоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншоолоҳ.

Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуогўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг ҳайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

АЛЛОМА

Тақдир иноятлар этмишми ваъда,
Ўтмиш зулматларин айлаб увада
Бир юлдуз порлайди қўҳна Кувада—
Ал-Фарғоний бобо, аллома бобо.

Бу ёруғ дунёда не илмки бор,
Пучмоқлари гўё қоронғу бир ғор,
Барчасин ёритган кашшоф, шуълакор
Ал-Фарғоний бобо, аллома бобо.

Минг йилларки, дунё сезар бир ҳисни:
«Бир юрт бор оламда тўлишган ҳусни,
Ул дунёга бермиш Альфраганусни».
Ал-Фарғоний бобо, аллома бобо.

Боғдоду Дамашқда, Марвда, Римда...
Довруғи ёйилмиш етти иқлимда,
Бизнинг боболардай бобо бор кимда!
Ал-Фарғоний бобо, аллома бобо.

Тонг.«Қуёш соатин» келмоқда саси...
Бошланди донишлар уйғонмоқ фасли,
Юртим – донишмандлар уйидир асли,
Ал-Фарғоний бобо, аллома бобо.

Икром ИСКАНДАР



Фахр

ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ БЕРАДИ ВАТАН

Илғор педагог Ҳамид Ҳужахонов таълим соҳасининг билимдони ҳисобланади. Устоз мактабда, Сирғали тумани халқ таълими бўлимида, сунгра республика Таълим марказида самарали фаолият кўрсатди. Шу кезларда унга ўзига хос мактаб яратиш туйғуси ҳеч тинчлик бермасди. Ниҳоят, у 1995 йилда «Эртаклардан - тараққиётга» дастурини яратди. Бу ҳусусда Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтидаги мутахассислар билан маслаҳатлашди. Улар ташаббусни маъқуллашди. Шундай қилиб, «Узиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамияти қарамоғидаги собиқ 146-болалар боғчаси негизида 318-бошланғич мактаб-боғча мажмуасини ташкил этиш тўғрисида»ги Сирғали туман ҳокимлигининг фармойиши чиқди...

Куни кеча мажмуа ҳовлисида уч йил ичида қилинган ишлар сарҳисоби ҳамда «Тил байрами»га бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Мажмуа раҳбари Ҳамид Ҳужахонов тантанани очиқ деб эълон қилди.

Мадҳия янграб, байроқ кўтарилади.

Кузатамиз: уларда болажонларга хос фахр-ифтихор мужассам. Ўғил-қизлар ҳаяжонини ҳис этиб, ўзгача таъсирни ҳис этасан, киши. Беихтиёр Президентимизнинг чет элларга ташрифлари, унинг салобати, мадҳиямиз янграганда эса давлатимиз раҳбарининг қаддини тик тутиши кўз олдимизга келади.

(Давоми 2-бетда)

An'ana

ҲАМ ФАХРИМИЗ, ҲАМ ҒУРУРИМИЗ

Республикамиз мактабларида дарслар ҳар душанба куни тантпанали суратда мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилиши билан бошланиб, шанбада байроғимиз туширилиши билан якунланаяпти. Янгиланиш. Одатда бундай тантаналар давлат аҳамиятига молик бўлган учрашувлар, воқеалар, ғалабалар шаънига уюштирилишини биламиз.

Сирасини айтганда, ватан, миллат, маънавият тушунчаларини ҳис қилиш дастлаб мактаб парталариданоқ бошланади юракларда мустаҳкам жой олади. Шукрки, бу ҳақиқат кенг доираларда эътироф этилди.Шу боис, ушбу янгилик барча таълим муассасаларида жорий қилинди.

Шундай тантаналардан бирига гувоҳ бўлиш учун пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 127-мактабга эрта тонгданоқ ташриф буюрдик.

Ўқувчилар сафга тизилишди. Мадҳиямиз оҳангида байроқ кўтариляпти. Шу лаҳзаларда қалбларда туғён урган туйғулар кўзларда акс этди. Кўзлар жилосидан нималарнидир уққандек бўлдим. Буларнинг юртимиз қудратидан ғурур, ўзлигимизга ҳурмат, юксак ғалабаларга интиқлик, Ватан олдидаги бурч туйғулари эканлигига шубҳа йўқ эди.

Баъзан ҳамма мактабларда ҳам бу тадбирнинг ҳанузгача яхши йўлга қўйилмаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Биргина мисол. Мутахассислар Собир Раҳимов туманидаги 146-мактабда бўлганларида, бу ердаги аҳволдан қаттиқ ранжишди. Айрим ўқувчилар ҳатто мадҳиямизни ҳам айтиб беришолмабди. Шу куни техник сабабларга кўра (туман мутасаддиларининг айтишича), байроқ ҳам кўтарилмабди...

Қисқаси ўқувчиларга шу Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирувчи Ватанимиз рамзларини ўқийлик, ўрганайлик, севайлик, аммо билмасдан уялиб қолмайлик!..

Рустам БОЙМАТОВ,
«Маърифат» мухбири

БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Самарқандда ҳадис илмининг султони имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди

Самарқандда ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илми султони имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Қадим Самарқандга жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан, ЮНЕСКО, Ал-Бабтийн жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

«Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш. Мирмаҳмудов раислик қилди.

Муқаддас Қуръон тиловати билан бошланган анжуманда Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Нуриллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов, Қувайтнинг «Ал-Бабтийн» жамғармаси раиси Абдулазиз Сауд ал-Бабтийн, Мисрнинг «Ал-Азҳар» университети ректори Аҳмад Умар Ҳошим ва бошқалар сўзга чиқди. Нотиқлар алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган улкан илмий мероснинг аҳамияти ҳақида сўзлади. Имом ал-Бухорий 5 ёшдан бошлаб илм ўрганишга киришган, араб тили ва диний билимларни арабларнинг ўзидан ҳам мукаммалроқ ўзлаштирган. Уз умри давомида у Ироқ, Шом, Ҳижоз, Нишопур, Балх ва бошқа ерларда бўлган ва тўғри, заиф ҳамда носаҳиҳ ҳадислардан 600 мингдан ортиғини ёд олган. Маълумки, ислом аввало Қуръонга, ундан кейин эса ҳадисга таянади. Аммо ҳадислар пайғамбар замонида ёзилмаган. Сабаби Аллоҳнинг элчиси уларни Қуръон билан аралашиб кетишидан хавфсираган. Ҳадислар тўплана бошланган кезлари муҳаддислар кўпайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша даврда минглаб ҳадисшунослар етишиб чиққан. Бироқ, улардан олти нафарига муҳаддислик оламида довруғ қозонган. Имом ал-Бухорий ана шулар ичида энг обрули, ҳадислари энг ишончли бўлган муҳаддис эди.

Анжуман доирасида иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб, илмий мулоқотларни давом эттирдилар. Шўъба мажлисларида «Имом ал-Бухорий замони», «Имом ал-Бухорийнинг ҳадисшунослик илмига қўшган ҳиссаси», «Имом ал-Бухорий илмий меросининг халқаро миқёсда ўрганилиши» каби мавзуларда маърузалар ўқилди, баҳс ва мунозаралар ўтказилди.

* * *

Самарқанд вилояти ҳокимлигида юбилейга ташриф буюрган Қувайт давлати вақф ва ислом ишлари вазири Аҳмад Холид Кулайб таклифига биноан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков томонидан қувайтлик меҳмонлар қабул қилинди.

Учрашувда И.Жўрабеков меҳмонларга ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Хорижлик меҳмон Ўзбекистон раҳбариятининг миллий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш борасидаги ишларига юксак баҳо берди.

Учрашув ниҳоясида қувайтлик меҳмон ташкилий қўмита раисига Қувайт амири Жабр ал-Аҳмад ас-Сабоҳ томонидан имом ал-Бухорий масжидига ҳадя этилган 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ чекини топширди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буюк ҳадисшунос олим имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди. Республикамиз раҳбарини Самарқанд аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Юртбошимиз имом ал-Бухорий мажмуи жойлашган Челак туманидаги Хартанг қишлоғига йўл олди. Масжид мажмуи дарвозаси олдида муҳтарам меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Самарқанд вилояти имом-хатиби Мустафо Маликзода, Челак тумани ҳокими Ш.Шукуров ва бошқалар қарши олди.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди.

•Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан республика Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Я.Қуролов оилавий тўй-ҳашамларни ўтказишда ўтакеттан шуҳратпарастлик, дабдабабозликка йўл қўйгани, шахсий манфаатлари йўлида эгаллаб турган давлат лавозимини суиистеъмол қилгани учун вазифасидан озод қилинди.

•Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари вакилларидан иборат икки мамлакат делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

•АҚШ ҳарбий қўмондонлиги 27 октябрь куни Корея ярим оролида Жанубий Корея қуролли кучлари билан ҳамкорликда «Роул Игл-98» ҳарбий машғулотини бошлашини эълон қилди.

• Кейинги маълумотларга қараганда Нигериянинг жануби-шарқида жойлашган Варри шаҳридаги нефть қувури портлаши натижасидаги қурбонлар сони 200-250 нафар эмас, балки 700 кишидан ошади, дейилмоқда.

• Россия ялпи ички маҳсулоти жорий йил сентябрь ойида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 9,9 фоизга қисқариб, ҳозир атиги 257 миллиард рублни ташкил этмоқда.

БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

(Боши 1-бетда)

Бу ердаги дарвоза пештоқига «Бу ёдгорлик мажмуи ислом оламида юксак обру-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий 1225 йиллиги муносабати билан Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталарининг олтин қуллари билан барпо этилган» деган сўзлар араб ва лотин алифболарида зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Масжид-мажмуа очилиши муносабати билан хайр-эҳсон оши берилди. Зиёратга келган мўмин-мусулмонлар жума намозини ўқиди.

Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуининг очилиш маросимини Самарқанд вилояти имом-хатиби М.Маликзода очди.

Сўз Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Республикамиз раҳбари ўз нутқида ҳадис илмининг султони, Ислом дунёсида беназир даҳо - имом Исмоил ал-Бухорий юбилейи муносабати билан барпо этилган бу ёдгорлик оламшумул воқеа бўлганлигини таъкидлади. Келажакда эса бу макон ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва гоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Шунингдек, тантанада Узбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, самарқандлик наққош уста Сайидали Мирзаев, қўқонлик ўймакор уста Абдуғани Абдуллаев, Маккадан ташриф буюрган меҳмон Сафохон Жалолхонтура, Қувайт вақф ва диний ишлар вазири Аҳмад Холид Кулайб ва бошқалар сўзга чиқди.

Тантанали маросим якунлангандан сўнг Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар имом ал-Бухорий мақбараси мажмуини зиёрат қилишди.

Аллома қабри ёнида Қуръон тиловат қилинди. Зиёрат сўнгида Президент Ислом Каримов журналистларга интервью берди.

— Ҳар қандай инсон орзу-умид билан яшайди,— деди давлатимиз раҳбари.- Шу маънода ушбу мажмуани янгидан қуриш, алломанинг илмий меросини ўрганиш, унга ҳурмат бажо келтириш ҳам биз учун катта орзу эди. Ўйлайманки, мана шундай обод ва озод юртни кўрганда, нафақат катта ёшдаги кишилар, балки ёш авлод ҳам янги куч-қувват олади, ғурурланади. Бундай ажойиб ёдгорлик айнан шу замонда, мустақиллик шарофати туфайли бунёд этилганини англайди, теран ҳис этади. Ёш авлоднинг маънавий камол топишида шундай хайрли тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Бугунги тадбирнинг мен учун қувонарли жиҳати шундаки, биз умримиз, амалларимиз зое кетмаётганига амин бўлдик. Шундай ёруғ кунларга етказгани учун Аллоҳга шукрона айтамиз. Зеро, бу унинг инъоми, марҳаматидир.

Умидим шуки, бу ерга ёшлар ҳам кўпроқ келсин. Одатда масжидларга қариялар келади. Бу ер фақатгина масжид эмас, зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо ҳамдир. Бу ерга келган инсонлар мажмуани барпо этиш, унга нафис жило беришда жон куйдириб меҳнат қилганларни, шундай ажойиб маскан қуришда жонбозлик кўрсатган ташаббускорларни бир бор ёд этиб, уларга таҳсин айтсалар ажаб эмас.

Шу куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентга жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А.Носиров кузатиб қолдилар.

Анвар БОБОЕВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказларини ташкил этиш юзасидан хайрли ишлар бошланганига ҳам икки йилдан кўпроқ вақт бўлди. Бу йўлда муҳим ва самарали ишлар амалга оширилди. Айтиш керакки, қаерда бўлмасин бу икки бебаҳо тушунчага қалбдан ёндашилса ўша жойда ўзликни англаш, буюк ўтмишимизни қадрлаш ва порлоқ келажакка ишонч руҳи намоён бўлади. Бу борада кўҳна Марғилондаги Амир Темур номи билан аталувчи 8 - мактабда ҳавас қилгулик ишларга қўл урилган. Ҳозирда ўқув муассасасида жонкуяр инсонларнинг изланишлари самараси ўлароқ «Маънавият ва маърифат» марказининг фаолияти ибратли йўлга қўйилган. Келинг, яхшиси ушбу марказ ташкилотчиси, мактабнинг араб тили ўқитувчиси Дилшод Алиевни мусоҳабага тортайлик.

—Дилшод ака, сиз билан юзма-юз турган газетхонларга нималарни гапириб бермоқчисиз?

—Аввало, маънавиятимизга берилаётган эътибордан мамнунман. Энг қийин ва машаққатли дамларда ҳам халқимиз орасида маънавиятимиз ҳомийлари, унинг асл фидойилари борлиги қувончли ҳол. Бу биз учун руҳий қанотдир. Марказимизни узоқ ва давомли изланишлар эвазига барпо қилдик. Унда буюк меросимиз — халқимиз ўтмиши, бугунги чароғон кунларимиз, келажак орзу-умидларимиз намоён бўлиб туришига эришдик. Излаган имкон топар экан, кўпгина яхшилар ёрдами билан мақсадимизга эришаяпмиз. Қилаётган ишларимизнинг туман, вилоят миқёсида оммалаштирилиши бизни янада руҳлантирди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини билан ҳамкорликда барча ишларимизни мамлакатимиз бўйича оммалаштириш таклифи билдирилган эди.

Айни пайтда маълум дастур бўйича режаларимизни амалга оширяпмиз. Ўқитувчиларга ўқувчиларнинг маънавий тарбиясига доир услубий тавсиялар бериш, шаҳар ва вилоят миқёсида семинарлар ўтказиш, маънавий-маърифий мазмундаги янги адабиётлар муҳокамасини ўтказиш, марказ қошида кичик академия ва «Маънавият» клубини тузиб, унга ўқувчилар ва ота-оналарни жалб қилиш кабилар шулар жумласидандир.

—Ўқув даргоҳи — маънавият ва маърифат ўчоғи. Шундай экан, мактабда маънавият ва маърифат хонасининг аҳамиятини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

—Менимча, бу икки нарса билимда, тафаккурда умуман, ҳар бир амалда ибрат бўлиш орқалигина ёш авлод қалбига сингдирилиши мумкин. Демоқчиманки, ҳам ўрнак бўлиш, ҳам ибрат олиш масъулиятини доимо сезиб яшаш муҳим. Мурғак қалбнинг эзгуликка, умуминсоний меъёрларга ва миллий ғурурга йўғрилишида ҳам бу жуда муҳим. Токи, келажак авлодлар миллий тарихимиз дарғалари ёди билан салоҳияти билан яшасинлар. Афсуски, маънавий меросидан ажралган халқ қандай кунларга қолишини биз ўзимиз бошдан кечирдик...

—Маънавий етук шахсни қандай тасаввур қиласиз?

—Маънавият — ботиний туйғу. У қалбда шаклланади, камолатга юз тутади. Аслида маънавиятсиз инсон йўқ. Лекин у ҳар биримизда турли даражада намоён бўлади. Ана шу даражани юқорига кўтариш имконияти ҳам ўз қўлимизда. Маънавий етук шахсни шакллантириш, камол топтиришдек эзгу ишларда банд бўлиш етуклик сари қўйилган қадам деб ҳисоблайман. Оила, маҳалла, мактаб каби муқаддас масканлар ўша залворли қадамлар илк бор қўйилгучи остоналардир. Буни ҳеч вақт унутмаслик керак. Негаки, ота-она, ўқитувчи ва барча катта ёшдагилар гарчи ўзлари ҳоҳламасаларда ёшларга ўз амаллари, сўзлари, ташқи кўринишлари билан доимий ва сезиларли таъсирда бўладилар.

Фахриддин КАРИМОВ
суҳбатлашди

E'tibor

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТДИР

ҒУРУР ТУЙҒУСИНИ БЕРАДИ ВАТАН

(Боши 1-бетда)

Тилда, дилда оила, Ватан, мустақил юрт намоён бўлади. Ғурур туйғусини берадиган элда яшаётганингдан фахрланасан...

Мажмуа ҳам она-Ватан деб аталмиш бир гўшанинг бир бўлаги.. У ерда қилинаётган юмушларни кўриб кўнглингиз яйрайди. Муҳими, ҳар ҳафтанинг биринчи куни мажмуа ҳовлисида Давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз ижро этилади. Қувончингизга қувонч қўшилиб, руҳларингиз ҳаволанади. Башарти, бу масканда тарбияланаётган 42 нафар жажжи ўғил-қизлар, 157 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг барчаси мадҳиямизни жўр бўлиб биргаликда айтишади, сўнг гуруҳ ва синф хоналарига йўл олишади.

Машғулотларни тажрибали тарбиячилар, мураббий ва муаллимлар олиб боришади. Гуруҳларда, синфхоналарда болажонларнинг ёзув саводхонлиги, сўз қўллаш ва нутқ малакаларига алоҳида эътибор берилади.

Тантанада болажонлар бу борадаги хусусиятларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилдилар. Шеърлар ўқишиб, ашулалар ижро этишди.

Тантана сўнггида йиғилишда иштирок этган ота-оналар, маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Ўзиккиламчиметалл» ҳиссадорлик жамияти вакиллари мажмуа фаолияти билан ҳам танишдилар. Муҳими, улар Тошкент шаҳар Сирғали тумани 4-мавзесидаги муъжазгина бир масканда улкан ишлар олиб борилаётганини мамнунлик билан эътироф этдилар.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Президент Клинтон Исроил ва Фаластин раҳбарларини муваққат тинчлик битимига ундаш учун Вашингтон яқинида ўтаётган олиймақом музокараларга қўшилган.

***

Чилининг собиқ Президенти Августо Пиночетнинг ҳимоячилари Пиночетнинг Лондонда ҳибсга олиниши юзасидан олий маҳкамада иш бошлашга тайёргарлик кўраяпти.

***

Хитой мудофаа вазири Чи Хауцен Россия билан ҳарбий ҳамкорлик даражасини мақтовга сазовор дер экан, бу минтақавий ва дунёвий тинчликка хизмат қилади, деган.

***

Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов эса Москвада Юнонистон ташқи ишлар вазири Педр Пангалов билан музокара бошлаган.

***

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов барча кўнгилли қўмондонларга ўз гуруҳларини тарқатиб юбориш ҳақида буйруқ берган.

***

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги махсус вакили Лахтар Брахими минтақадаги дипломатик уринишларининг сўнгги босқичида экан, у бугун Тошкентга келган.

***

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Анан халқаро ҳамжамиятни Тожикистонга ваъда қилинган инсонпарварлик ёрдамини беришга чақирган.

ЛОНДОН, «ВВС»
ўзбек хизмати

ШОҲИДЛИК

Qadr

Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган меҳри дарё инсон Чуст туманида истиқомат қилувчи кекса муаллим Олимжон Ҳалимовдир. У киши ўрта мактабда географиядан дарс беришдан ташқари ўз уйларида музей ҳам очган. Уй-музейи ўтмишимизни эслатиб турувчи уй-рўзғор буюмлари, дастлабки қуроллар, тангалар, китоблар, дубулғаю қиличлар, хуллас турли-туман қадимий жиҳозлар билан тўла.

Аслида, - деб сўз бошлайди муаллим, - Ватан, юрт тарихи билан авлодларимизни ошно этиш бурчимиздир. Мен ҳам шу савоб ишга холисанлиллоҳ ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим.

Музейнинг довруғи кўпгина жойларга тарқалган. 1990 йилда уни кўргани келган россиялик бир мухбир экспонатлар олдида домла О.Ҳалимов ва икки набирасини суратга туширган эди. У газетада босилиб чиқди. Шундан сўнг домланинг номига кўпгина республикалардан мактублар кела бошлади. Мен қуйида ана шу оддий халқ маорифи аълочиси ва бир неча унвонлар соҳиби, география фани муаллими Олимжон Ҳалимовнинг уй-музейини қайд дафтари ёнида сақланаётган мактубларнинг айрим нусхаларини ҳавола этмоқчиман.

«Ҳурматли Олимжон Ҳалимов! Сизнинг дўппи ва чопон кийиб тушган суратингизнинг тагига ёзилган «Чуст» сўзини ўқиб, 1944 йилги уруш лавҳаларидан бири ёдимга тушди. Бизнинг 2-батальонимиз фаоли чустлик эди. Саид ёки Саидовмиди, аниқ эслолмайман. Чаққон, довюрак, абжир ва ҳозиржавоб йигит эди. Шиддатли, муҳорабалар орасидаги дам олиш пайтларида юк халтачасини очиб, рўмолга ўралган дўппини олиб, бошига киярди. Қулига олиб, унга узоқ тикиларди, сўнгра кўзига суртиб, яна жойига қўярди. Шунингдек, сопи ҳайвон шохидан ясалган пичоғини ҳам жуда авайлаб асрар эди. У шу нарсаларини очиб кўрганида, ўз Ватанини кўргандай бўлиб, она-Ватанини фашистлардан кучлироқ ҳимоя қилиш учун онт ичарди.

Бир куни шу дўппини менга совға қилишини илтимос қилсам, у менга: «Майли, жоним билан, фақатгина сабр қиласан, Ғалаба куни Берлинда албатта оласан», деганди.

Уруш билан олға бордик. 1944 йилнинг июль ойида Висла дарёсини кечиб ўтаётгандик. Немис-фашистлари ҳалокат аниқлигини сезиб, жонжаҳди билан ташланарди. Барча қуроллардан тинмай бизни ўққа тутарди. Шу маҳорабада комсоргимиз қаттиқ яраланди ва даволаниш учун ҳарбий-дала госпиталига юборилди. Орадан бир ойча вақт ўтиб, навбатдаги тўқнашувлардан бирида душман ўқи мени ҳам сафдан чиқарди. Даволаниб қайттач, дўстимни бошқа учратолмадим. Берлинни олганимизда ҳам уни истадим. Чунки дўппини бериши аниқ эди. Сизнинг суратингизни кўрдиму, ярам янгиланди. Дўстимни бир кўриш ва Чуст дўпписини кийиш орзусидаман. Дўстим ҳақида маълумот берсангиз, жуда ҳам хурсанд бўлардим.

Эҳтиром билан Чернок Данил Савильевич. Украина Черкаск вилояти Золотонош тумани Гелмиязево қишлоғи».

Қалби дарё Олимжон ака Данил Савильевичнинг ярим асрлик орзусини амалга оширди. Унга турмуш ўртоғи Кўпайсин опа тиккан Чуст дўппи ва пичоғини ҳадя этди.

Суриштиришлар натижасида маълум бўлишича, ўша ёшлар ташкилотининг котиби Каримжон ака Саидов бўлиб, бир қанча вақт савдо соҳасида, сўнгра шаҳардаги болалар боғчаси хўжалик ишлари мудири бўлиб ишлаган экан. Афсуски, бундан бир неча йил муқаддам вафот этибди. Бундай мактублар Олимжон ака бисотида сон-саноқсиз.

Мен домла Ҳалимов билан хайрлашар эканман, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, бу музейда ҳали неча авлодлар тарихимиз зарварақларидан баҳраманд бўлишга имон келтирдим. Зеро, шундай миллатдошларимизнинг борлиги тарихимизнинг ёрқинлигига шаҳодат.

Саломатхон ҲАСАНОВА

Munosabat

«ЎҚУР БЎЛСАНГ, ЎҚ УР НАФСНИНГ КЎЗИНА»

Шарқнинг оқил билгичлари инсоннинг энг катта душмани нафс, дея бот-бот такрорлашган. Чунки, нафс инсоннинг кўнгил кўзини минг пардага ураб, узининг тубан йўриғига бошлайверади. «Нафс балосига йўлиққан» деган гап асли шундан. Нафс деганда фақатгина ейиш-ичиш деб тушунилмаган, балки кибр, шуҳратпарастлик, иззатталабликлар ҳам нафснинг ўзига хос кўринишларидандир. Урф-одатларимиз, динимиз ҳам бундай нафсларни энг катта иллат деб санайди.

«Авомнинг мингти — арбобнинг бири» дейишади. Агар авом нафс гирдобига тушса, «ҳа, бир авом-да» дейсиз. Лекин, раҳбарнинг шу қўйга гирифтор бўлиши фожиадан бошқа нарса эмас. Чунки, у ҳамманинг кўз ўнгида. Ҳаммага ўрнак бўлиши лозим. Раҳбарлик маснадида туриши керак. Бўлмаса, эл назаридан қолади. Ваҳоланки, раҳбар учун эл назаридан қолиш энг олий жазо.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримовнинг «М.Я.Қуроловни Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озрод қилиш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб қолдим. Ўйладимки, нафс балосига йўлиққанлар равиясининг охирқибати - шу. Ушбу Фармон барча раҳбарларга қўйилган бир талаб. Раҳбар ҳар бир соҳада, хусусан таълим тизимида ҳам мавжуд. Бундай шуҳратпараст ҳатти-ҳаракатлар, афсуски, бунда ҳам учраб туради.

Ўйлайманки, газеталарда эълон қилинган Фармон боис, бундан кейин раҳбарлар ўз хатти-ҳаракатларида элнинг кўзини ҳис қилиб туришади.

Султонхон АБДУЛЛАХОН ўғли,
кекса педагог

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятлар юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг ноябрь ойи учун қўйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Узбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари ҳамда таниқли олимлар, тажрибали педагоглар маърузалар ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги янги турдаги мактаблар, РТМ, халқ таълими музейи ва бошқа илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади.

1. ВУМОИ (ВПХМОИ) илмий методик ишлари проректорлари курси - (ўзбек) - 23-28 ноябрь.
2. Умумтаълим мактаб директорлари - (ўзбек) - 2-28 ноябрь.
3. Ёш техниклар ижод маркази директор муовинлари ва услубчилари - (ўзбек) - 2-28 ноябрь.
4. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари курси - (ўзбек) - 2-28 ноябрь.
5. «Истеъдод маркази» ходимлари учун мақсадли курс - (ўзбек) - 2-14 ноябрь.
6. Одобнома фани ўқитувчилари учун курс (ўзбек) - 16-28 ноябрь.
7. Информацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш: тарих-география ўқитувчилари - (ўзбек) - 16-28 ноябрь.
8. Янги тур мактабларнинг математика фани методбирлашма раҳбарлари -(рус) - 2-28 ноябрь.
9. Умумий биология дарслиги ва дастури бўйича курс - (ўзбек) - 2-14 ноябрь.
10. Янги тур мактабларнинг кимё фани методбирлашма раҳбарлари - (ўзбек) - 2-28 ноябрь.
11. Тарих дарсларида янги педагогик технологияларни қўллаш - (ўзбек) - 2-14 ноябрь.
12. Таълимда ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари курси - (ўзбек) - 16-28 ноябрь.
13. Мактаб ўзбек тили ва адабиёти методбирлашма раҳбарлари - (ўзбек) - 2-14 ноябрь.
14. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш - (ўзбек) - 6-28 ноябрь.
15. Узбек мактабларининг рус тили ўқитувчилари учун янги дастур бўйича курс - (рус) - 2-14 ноябрь.
16. Янги тур мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари учун янги дастур ва дарслик асосида курс - (ўзбек) - 2-28 ноябрь.
17. Фан ўқитувчилари учун лотин ёзувини ўрганиш бўйича маърузачилар курси - (ўзбек) - 2-14 ноябрь.
18. Махсус мактаб-интернатларнинг физика ва математика ўқитувчилари курси - (ўзбек) - 2-28 ноябрь.

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 2-3 ноябрь кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетлари учун тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

Maktabgacha ta'lim

МУРҒАК ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

— Катта бўлсанг, ким бўласан?

— Баланд-баланд биноларни бунёд этувчи қурувчи бўлмоқчиман.

— Сен-чи, Баҳодир, ким бўлмоқчисан?

— Йўловчиларнинг узоғини яқин қилувчи ҳайдовчи бўламан...

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасасида ўзбек тилига Давлат мақоми берилганининг тўққиз йиллиги муносабати билан байрам эрталиги бўлиб ўтди. Эрталикда 3-синф ўқувчилари инглиз тилида «Ким бўлсам экан?» мавзусида саҳна кўриниши намойиш этилди. Беш нафар ўқувчи шахтёр, учувчи, ўқитувчи, ҳайдовчи, қурувчи сингари ноёб касбларнинг ўзига хос фазилатлари ҳақида ҳаяжонланиб сўзладилар.

— Нозик қалблар масканида,— деди муассаса услубчиси Севара Шораҳмедова, — 2 та илк ёшли, 7 та боғча гуруҳларида 280 ўғилқиз тарбияланмоқда. Бошланғич синф (1-3-синф)ларда эса 75 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Улар Тил байрамини катта ҳозирлик билан қаршиладилар. Болажонлар нафақат ўзбек тилида, балки хорижий тиллар — инглиз, корейс, рус тилларида ҳам тил ва Ватанни мадҳ этувчи шеър ва ашулалар ўрганишган.

Боғча гуруҳи кичкинтойлари «Шолғом», «Қизил шапкача», «Танишув», «Ўйинчоқлар» каби эртаклар асосида саҳна кўринишлари намойиш этдилар. Мусиқа раҳбари Гулнора Иброҳимова бошчилигидаги «Сўзана» ансамблининг фаол иштирокчилари жозибали қўшиқ ва рақслардан иборат гулдасталари билан байрам шодиёнасига янада файз киритдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА

УЧРАШУВ

Фарғона Давлат университети кутубхонасида Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан университет жамоаси ва олимлар ўртасида адабий учрашув бўлиб ўтди. Унда шоирлар — Охунжон Ҳакимов, Матлуба Деҳқон қизи, Энахон Сиддиқова, Омонжон Ҳошимов, Мирзажон Исломовлар қатнашиб, кечага ўзгача тароват бахш этдилар.

Тадбир ниҳоясида иштирокчилар Аҳмад ал-Фарғоний юбилейига бағишланган кўргазмани томоша қилдилар.

В.БОБОРАҲИМОВ,
университет доценти

"O'ZNEFTNIQAYTAISHLASH" DAVLAT ISHLAB CHIQARISH BIRLASHMASI

Буюк қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг

1200 йиллиқ



тўйлари билан барча Ўзбекистонликларни мамлакат ҳукуматини, мураббий ва устозларни, таббаррук айёмга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларни, ватандошларни самимий муборакбод этамиз.

Биз, Фарғона "Ўзнефтниқайтаишлаш" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳам кўпчилак қатори, имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғонийдек буюк алломаларга ватандош бўлганимиздан фахрланамиз.

Ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний қолдирган буюк тарихий мерос бутун мусулмон оламида, шунингдек Европада ҳам чуқур ҳурмат билан эътироф этилгани, ўн икки аср мобайнида Англия, АҚШ, Белгия, Германия, Голландия, Марокаш, Миср, Италия, Франция каби давлатларда қайта-қайта нашр этилаётгани ҳам қалбимизни ғурурга чулғайди.

Барчага келажаги буюк давлат қурыш йўлидаги машаққатли ишларда омад тилаймиз!

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

САВОЛ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги «Бошланғич синфлар ўқитувчиларининг маошини ошириш», 1990 йил 13 ноябрдаги «Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш», 1991 йил 29 декабрдаги «Нархнаво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари», 1992 йил 5 февралдаги «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва ўқув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар» ҳақидаги Фармонларида имтиёзлардан фойдаланиш тартиби баён қилинган эди.

Ана шу ҳужжатнинг 13-бандида «Давлат ва ташкилот жамғармасига ва қурилиш кооперативларига қарашли уйларда ҳамда шахсий уйларда яшовчи педагогик ходимлар маиший хизматлар (сув, газ, электр токи ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қишлоқ ва шаҳар шаклидаги қишлоқ жойларида яшовчи педагогик ходимлар турар жойи ва маиший хизматлари учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. ... », дейилган. Ана шу Қонун ҳали ҳам кучдами?

Қибрай туманидаги 16-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари

ЖАВОБ:

Бугунги кунга қадар ушбу тартибни бекор қиладиган ҳужжатлар қабул қилинганича йўқ, албатта, кучга эгадир.

* * *

САВОЛ:

Мен мактабда 25 йилдан бери физика фанидан лаборант бўлиб ишлаб келаяпман. Электр токи ва газдан ўқитувчиларга берилган имтиёзли фойдаланиш лаборантларга ҳам тааллуқлими?

Мавлуда НИЁЗОВА, Балиқчи туманидаги 7-ўрта мактаб

ЖАВОБ:

Сизнинг асосий иш жойингиз мактабда бўлса, учта вазирлик томонидан 1992 йил имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги «Бошланғич синфлар ўқитувчиларининг маошини ошириш», 1990 йил 13 ноябрдаги «Турли хил мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг маошини ошириш», 1991 йил 29 декабрдаги «Нарх-наво оширилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимояга олиш чоралари», 1992 йил 5 февралдаги «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва ўқув таълимидан ташқари ёрдамчи хизматчиларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ҳақида»ги Фармонларида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш тартибининг 3 ва 13-бандлари асосида имтиёзларга эгасиз.

Муштарийларимизнинг юқоридаги саволларига жавобни республика ХТВ ижтимоий масалалар бошқармаси бош мутахассиси Зулфиқор ХОЛМИРЗАЕВ шарҳлади.

Imom al-Buxoriyning 1225 yilligiga

БОБОМИЗ ТАДҚИҚИДА ОИЛА МУАММОСИ

Оила - бу кўп маъноли сўз бўлиб, тор ва кенг маъноларда қўлланилади. Тор маънода бир йигит ва қизнинг узаро келишиб, севишиб турмуш қуриши, фарзандлар кўриши, уларга таълим-тарбия бериб, ўз юртига, она—Ватанига муносиб кишилар қилиб тарбиялашини билдиради.

Хўш, оила деганда, нимани тушунамиз? Оила икки жинсли ёш ёстиқдошнинг фарзандларни юзага келтириши, уларга асосли таълим-тарбия бериш, қисқаси, ота-она ва фарзандлар бирлигини тушунамиз. Кенг маънода эса бир қанча оилалар бирлашмасидан ташкил топган давлатни англатиб келади. «Оила» атамасининг янада кенг маънода ишлатилиши ҳам мавжуд. Бу жиҳатдан Президентимизнинг «Туркистон - буюк бир оила» деб таъкидлаши алоҳида аҳамият касб этади.

Бошқача қилиб айтганда, оила давлатининг кичик бир булаги, ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бу хусусда тарихий манбаларда қимматли фикрлар айтилиб келинаётганлигига қўҳна тарих гувоҳдир.

Хўш, оила ҳақида буюкларимиз, хусусан, бобомиз Имом Бухорий ҳазратлари тадқиқотларида нималар дейилган. Бобомиз тўплаган ҳадиси шарифларни кўздан кечирар экансиз, оила ва оилавий муносабатларга тааллуқли маълумотларни илғаб олиш қийин эмас.

Ушбу манбадан маълум бўлишича, Расулуллоҳ нафақат ўз оилаларига, балки барча оилаларга, ҳамма аёлларга меҳрибон ва раҳнамо бўлганлар. Бу хусусда қуйидагиларни ўқиймиз:

«Аёллар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: эркаклар Сиздан ҳар куни илм ўрганишур, бизга ҳам бир кун ажратинг, дейишади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунни тайинлаб, уша кун келгач, уларга ваъз-насиҳат айтдилар, баъзи диний ишларни буюрдилар» (1-жилд, 42-бет).

Ҳадислардан бирида эркак ва аёлнинг бурч ва вазифалари ҳам айтиб қўйилган:

«Эркаклар ўз оила аъзоларига масъулдирлар, аёллар ўз эрларининг уйларидаги бор нарсаларга масъулдир!» (1-жилд, 243-бет).

Демак, эркаклар ва аёлларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Эр оилада бошлиқ ва унинг ташвиши кўп. Чунки оиласи ва болаларининг таъминоти ҳамда келажаги унинг бўйнида. Фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш, боқиб, оёққа турғазиш ота-онанинг вазифаси ва бурчидир.

Ҳадислардан бирида оила бирлиги, иттифоқ ва уларнинг бир-бирларини тушуниш ҳақида ажойиб сўзлар битиб қолдирилган.

«Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсасини ёқтирадиган ва ёқтирмайдиган нарсасини ёқтирмайдиган бўлади».

Афсуски, улар орасида эрнинг қадрига етмайдиганлар, инкор қилувчилар, ҳатто, эрини қарғайдиганлар, беандишалик қиладиганлар ҳам учраб турган. Бундай хотинлар хусусида ҳадислар тўпламида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки: менга дўзах кўрсатилди, қарасам, улардаги одамларнинг кўпи инкор этувчи хотинлар экан. Эрнинг яхшилигини инкор қилувчилар, эрнинг қадрига етмаганлар, агар буларнинг биттасига бир умр яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бир кичик ёмонлик ўтса, сендан нима кўрдим, ҳеч яхшилик кўрмадим, — деб айтадир!» (1-жилд, 19-бет).

Маълумки, Ойша онамиз Расулуллоҳнинг энг севимли хотини эди. Биз буни Имом Бухорийнинг «Ал Жомиъ ас саҳиҳ» тўпламидан аниқ билиб олишимиз мумкин. Ҳадислардаги кўп ривоятлар Ойша онамиз тилидан келтирилади. Унинг яхши хусуситларини Анас ибн Малик қуйидагича ҳикоя қилиб беради:

«Ойшанинг бошқа аёллардан афзаллиги сарид (сутли хўрда)нинг бошқа таомлардан афзаллиги кабидир», - дерлар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам» (3-жилд, 499-бет).

Биз ушбу қисқа маълумотда Имом Бухорийнинг «Ал Жомиъ ас саҳиҳ» асари асосида оила хусусида қисқача ҳикоя қилиб бердик. Асарда оила тўғрисида кўпроқ маълумот олмоқчи бўлсак, асарнинг ҳар тўртталасини мутолаа қилиш лозим.

Бу йил - Оила йили. Ҳамма диққат-эътибор хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, уларга турли имтиёзлар яратиб беришга қаратилмоқда. Аммо, уларнинг айримлари мўмай пул топиш учун фаоллашиб, чет эл тижоратларида бўлиш, турли қинғир-қийшиқ йўлларга кириб кетиш ҳоллари учраб туриши афсусланарлидир. Натижада оилаларнинг тарқалиб кетиш ҳоллари юз бериб турибди. Илоҳим, бундай нохуш ҳоллардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Назар РАЖАБОВ, профессор

МАТБУОТ МАРКАЗИДАГИ МУЛОҚОТ

Узаро алоқалар мобайнида вақтдан, масофадан ютиш учун инсонлар даврлар оша унинг янги-янги воситаларини ўйлаб топишмоқда. У ўз ибтидосини хат, хабар ташиш тариқасида бошлаган бўлса, эндиликда телефон, телеграф, газета-журналлар, радио-телевидение, уяли телефонлар, компьютер, сунъий йўлдошлар... воситасида ҳар дақиқа биз билан мулоқотда.

Хулласки, иқтисодни ривожлантириш, кишилар ҳаётини фаровонлаштириш алоқа воситалари ривожига бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Ўзбекистонда унинг тараққиёти қай аҳволда?

Ушбу масала Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарияти билан ўтказилган очиқ мулоқотда муҳокама этилди. Унда агентлик бош директори Абдувоҳид Жўрабоев, агентлик таркибидаги «Маҳаллий Телеком» АК, «Халқаро Телеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ДАКлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Мулоқотда ҳар кунимиз тўқнаш келадиган телефон тармоғи «машмаша»лари, абонент нархлари, почта алоқаси тармоғидаги камчиликлар ва бошқа кўплаб муаммолар ечими ахтарилди.

Матбуот соҳасига бевосита тегишли бўлган, газета-журналларни вилоятларга етказиб бериш ҳақида амалга оширилаётган ишлар хусусида билиш журналистларни кўпроқ қизиқтирди.

Нима учун обуна нархлари баъзи вилоятларда белгиланганидан 30% гача ошиб кетаяпти?

А.Жўрабоевнинг айтишича, бунга асосий сабаб, транспортга кетадиган харажатлар экан. Агентлик ҳозирча 60% ўз транспортидан фойдаланаётган бўлса, келгусида тўлалигича ўз уловларига эга бўлгандан кейин бу масала ҳам ижобий ечим топишига ҳам ишонч билдирилди.

Р.БЎРОНОВ

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТАДИ

Тил билан эл сўзи кўпинча ўз-ўзидан ёнма-ён келади. «Тилга эътибор-элга эътибор», «Тил билган эл билар»,«Тил элнинг кўзгуси»,«Тил одоби—эл одоби» каби мақоллар ҳам лугат бойлигимизга чуқур сингиб кетган.Сўнгги йилларда юқоридаги жумлалар қаторига «Тил байрами—эл байрами»-деган чиройли бир жумла ҳам қўшилди. Дарҳақиқат, тўққиз йилдан буён халқимиз тил байрамини эл байрами сифатида нишонлаётир. Куни кеча Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган «Пухта лисоний таълим-баркамол мутахассислар тайёрлаш омили» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ҳам ўзбек тилининг беқиёс гўзалликлари, сеҳру жозибаси, тилимиз тараққиётининг жаҳоншумул омили хусусида фикрлар айтилди.

Анжуманнинг бадиий қисмида ижро этилган она тилини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

З.УСМОНОВА

* * *

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИда мактабгача тарбия ва малака оширишга келган ўқитувчи тингловчилар гуруҳи билан тилшунос олимлар ҳамкорлигида «Тил - дил кўзгуси» номли кеча бўлиб ўтди.

Бу кечани Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори олиб борди. Кечада тилшунос олимлардан филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиев «Ўзбек тилининг сўз бойлиги», филология фанлари номзоди, доцент Муҳаммаджон Қодиров «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг моҳияти», филология фанлари номзоди, доцент Толибжон Эрназаров «Давлат тили ҳақида»ги Қонун, ўзбек тилининг тараққиёти» мавзуларида маърузалар қилишди.

Н.ЙЎЛДОШЕВА, А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ катта ўқитувчиси

* * *

Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни яккалам.

Навоий бобомизнинг ушбу сатрлари қатидан тилимизга муҳаббат тажалли этиб турибди. Бу жилва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 1-академик лицейда бўлиб ўтган Тил байрамида ҳам зуҳур топди. Лицейнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Тоҳир Шермуҳаммедов байрам ибтидосида тилимизнинг «ўлук жасадига Масиҳ анфосидин руҳ киюрган» (Ҳ.Бойқаро) аждодларимизга муносиб ворис бўлмоқликни тилади.

Тилнинг жозибаси шеъру куй-қўшиқ билан бўй кўрсатади. В.Раҳимова, З.Ҳасанова, Б.Раҳимов каби ўқувчилар ижро этган шеърлар, қўшиқлар тилимизни яна бир бор бўйлатди.

«Отелло» фожиасига битилган пародия намойиши барчага манзур бўлди.

Билониҳоя, байрамнинг бошидан адоғигача ворислик ҳисси уфуриб турди. Ворисликки, тилга, миллатга.

О.КАЖАНОВА

* * *

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юртида ҳам ўзбек тилига Давлат мақоми берилган кунинг 9 йиллиги муносабати билан «Она тилим - жону дилим» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада ёзувчи Тоҳир Малик иштирок этди. Билим юрти талабаларидан Нодира Абдуллаева, Ирода Муҳибова, Сабо Жўраева, Ирода Умаровалар тил ҳақидаги ҳикматли сўзлар, саҳна кўринишлари, халқ оғзаки ижоди намуналари ва тил ҳақидаги шеърлардан ёд ўқидилар.

Н.МУҲИБОВА

Ahmad al-Farg'oniyning 1200 yilligiga

АЛЛОМАЛАР ГУРУНГИ

Илмий-фантастик лавҳа

Улуғбек: — « Зижи Қурагоний» , «Тўрт улус тарихи», «Гўзал боғлардаги роҳат», «Осмонлар нарвони», «Арифметика калити», «Айлана ҳақида рисола», « Алгебра ва ал- муҳобала ҳақидаги китоб», Арифметика бўйича рисола», «Астраномия моҳияти», «Фатҳия рисоласи» яна бир қанча китобдир.

Ал-Фарғоний : — Олимлар орасидаги муносабат қандай бўлган?

Улуғбек:— Умуман аҳил яшаганмиз. Жамоа устозу шогирдлардан таркиб топган эди. Масалан, Али Қушчи мени устоз деб қараган бўлса. Мен Ғиёсиддин Кошийга шундай муносабатда бўлганман. Шу билан бирга айтиш керакки, илм ривожи жараёнидаги муносабат бошқачароқ: ҳурмат ўз йўли билан. Илмий ҳаққоният ўз йўли билан.

Бир мулоқотимизни эслатаман.

Ғиёсиддин Коший : — Нима учун астраномияга оид тадқиқаларда папогей билан перигейла ҳеч қандай тенглама бўлмагани ҳолда, биз унинг таърифини жадваллардан топамиз?

Камина: — Жадвалларимда шу икки нуқта учун тенглама белгилаб бериш мақсадимга кирмайди.

Бу—устоз билан шогирд орасидаги савол- жавобни Мирим Чалабий изоҳлаб бундай деган эди: «Кошийга Улуғбекнинг берган жавоби тўғри бўлса, керак. Шундан кейин биз уни ўз шарҳимизда баён этдик».

Птолемей: — Қадимги Юнонистонда ҳам олимлар ҳамжиҳат бўлиб ишлашган. Лекин фанда фалсафий оқимлар кўп эди. Афлотунчилар, Арастучилар, Пифагорчилар... Улар доим талашиб юришар эди. Бўгда, шунингдек, фан бўгида гулларнинг ҳар хил бўлгани дурустда.

Улуғбек: — Бизнинг ўлкамизда ҳам ундай бўлган экан. Бундай ўйлаб қарасак қадимги Юнонистонда илмдаги асосий йўналиш натурал фалсафа, табиат фалсафаси бўлган бўлса,бу ерларда натурал фалсафа бошқачароқ сифатда ривож топди. Натурал фалсафа табиатшуносликка анча яқинлашди. Натижада алгебра алоҳида фан сифатида гавдаланди, геодезия, минералогия, фармакогнозия, тиббиёт, кимё, архитектура, суғориш илми пайдо бўлди. Натурал фалсафанинг, метафизиканинг бир ўзаги одамшуносликка айланди. Бу соҳанинг ўзида ҳам яссавийа, суҳравардийа, нақшбандийа, қубравийа каби фикр гулзорлари мева бера бошлади. Менинг ўзим эса ўша табиатшунослик мактабининг бир кенжа авлодларидан эканман. Бу гаплар бизнинг замон ва ўрта асрларга тегишли, албатта. Биздан кейин ҳозир эса, замон ўзгариб кетибди. Илм ҳам бошқача, юксак тус олибди.

Коперник: - Гап илмий йўналишлар, устоз ва шогирд муносабатлари ҳақида кетар экан, Улуғбекнинг устози Коший шогирди Чалабий айтган илиқ сўзларга ҳавасим келди. Мана қаранг:

Ғиёсиддин Коший: - Мавлоно Султон Улуғбек ибн Султон Шоҳруҳ ибн Султон Темур Курагон Самарқандда кузатиш ишларини олиб бориб, «Зижи Курагоний» рисоласини мароқ билан тамом қилди. Мен фақат таҳрир қилдим ва арабчага таржима қилдим. Узимнинг «Арифметика калити» китобимни султон набираси, султон ўғли, султон Улуғбек ёрдамида ёздим.

Мирим Чалабий: - Ўз китобимизда, биз, аввало, бир даража синуснинг тақрибий қийматини олиш санъати ҳақида маълумот бериб, сунгра донг қозонган атоқли муаллиф Улуғбек бажарган ҳисоб-китоб ҳақида баён этдик. Али Қушчининг Улуғбек жадвалларига ва Улуғбек илмий ходими Қозизода Румийнинг асарларига таҳлилимизда уларни исботладик.

Ал-Фарғоний: - Бизнинг «Байт ул-ҳикма» академиямизда ҳам кўпчилик ишлар эди: Муҳаммад ал-Хоразмий, Ҳолид Марварудий, Яҳё Мансур, Аҳмад Наҳавандий, Аббос Жавҳарий, Ҳабаш Марвозий, Ҳомид Ҳаттолий ва бошқалар. Кўп миллатли бу олимлар учун ўша замоннинг долзарб илмий муаммолари, математика, астрономия ва география эди. Ҳаммамиз ҳам шу соҳаларда иш юритганмиз, лекин биримиз иккинчимизни қайтарган эмасмиз. Назария билан илмий кузатиш ишлари баробар олиб борилар эди. Ҳаммамиз аҳил яшар эдик.

Коперник: - Оврўпода қадимги олимлар, Юнонистон, Ҳинд ва Хитой олимлари, ҳамда ўрта асрлардаги Марказий Осиё олимлари ютуқларидан фойдаланиб, уйғониш даврининг кетма-кет етишиб чиққан олимлари сизларга таассуб қилиб ижод қилдилар.

Беруний: - Бизнинг давримизда ҳам Академия яратилган эди. Сизларнинг, Ал-Фарғоний жаноблари, академиянгиз «ал-Маъмун академияси» деб аталган бўлса, сизлардан икки аср кейин бизларнинг ҳам академиямиз «маъмун академияси» номи билан юритилган. Иккаловининг бир хилда аталиши тасодифан, у Маъмунлар бир-бирига қариндош эмас. Бизнинг академиямизда Ибн Ироқ, Ибн Сино, Абулхайр Ҳаммор, Ибн Мискавайх, Абу Саҳл Масихий ва яна бир қанча етук олимлар ишлашган. Замонанинг зайли билан кейинчалик тарқалиб кетишди.

Птолемей: - Баракалло, Бағдод, Хоразм ва Самарқанд олимлари илмда ҳам, ҳаётда ҳам ҳамжиҳат, аҳил бўлган эканлар. Бунинг учун аваало сизга, Мирзо Улуғбек, ташаккур билдирамиз. Бизда, қадимги Юнонистонда ҳам, Аристотелнинг перипотетизм мактабида, Гиппарх, Аристарх, Эвклид мактабларида ҳам ўрнак ва наъмуна бўларли даражада қатъийлик ва аҳиллик ҳукм сурган. Энди ўзимизнинг мавзуга ўтсак.

Ал-Фарғоний: - Сферада ётувчи айланалар проекция марказининг нариги қутбидан ўтувчи текисликка туширилган проекциялари айланалар шаклида бўлади, агар айланалар шу марказдан ўтса, у ҳолда тўғри чизиқ бўлади.

Коперник: - Қуёш, ой, сайёралар, юлдузларнинг, бинобарин, осмоннинг келажак манзарасини билиш учун геометрик – кинематик усул қабул қилиб олинишида устурлоб (астрология) асбобининг аҳамияти катта бўлган. Осмон гумбазида мавҳум равишда жойлаштирилган меридиан, экватор, эклиптика, аззимут, кординат ўқлари тизимлари, бурчаклар, нуқталарнинг проекцияларини доира асбобга тушириш анча қулайлик туғдиради. Бу асбоб илгари ҳам бўлган, лекин унинг назариясини Ал-Фарғоний кашф этди.

Беруний: — масала мураккаб эди. Горизонтал, экваториал ва эклиптик координата тизимларини қабул қилиб олиш, уларни жойлаштириш, сайёраларнинг эпицикл деб аталувчи чизиқлар бўйича, уларнинг марказлари ер атрофида дифферент номли чизиқлар бўйича ҳаракат қилиши қоидалаштирилди. Ал-Фарғоний бунинг учун сферик учбурчак тригонометрия ёрдамида сферик фалакиётга, ва ниҳоят, сферик гиодезияга ўтади. Косинуслар ва тангенслар сферик теоремаларни яратади.

Улуғбек: — Ҳақиқатдан, замин фикрлар устида гап кетаяпти. Мен бир далил фикр устида тўхталиб ўтмоқчиман. Геометрик-кинематик жиҳатни олсак, Ал-Фарғонийнинг бир ғояси кўп яхши тақдирга эга бўлибди. Ҳаммамиз ҳам устурлоб асбоби билан иш юритганмиз. Лекин унинг назариясини Ал-Фарғоний берганлигини билардик-ку, бориб-бориб бу назария Эйнштейн, Лобачевский, Минковский, Фритман геометриялари билан қовушиб, қоришиб кетишини кечаги мажлисдан билиб олдим. Осмон гумбазида мавҳум равишда жойлаштирилган меридиан, экватор, эклиптика, аззимут, координата ўқлари тизимлари, бурчаклар, нуқталарнинг проекцияларини доира асбобга тушириш анча қулайлик туғдирган. Масала мураккаб эди. Горизонтал, эквоториал ва экклиптик координати тизимларини қабул қилиб олиш, уларни жойлаштириш сайёраларнинг эпицикл деб аталувчи чизиқлари бўйича, уларнинг марказлари ер атрофида дифферент номли чизиқлар бўйича ҳаракат қилиши қоидалаштирилди. Ал-Фарғоний бунинг учун сферик учбурчак тригонометрияси ёрдамида сферик фалакиётга ўтди. Беруний эса бир бутун геодезия илмига асос солди. Ал-Фарғонийнинг стреографик проекциялар назариясини ҳаммамиздан ҳам кейин, ўн саккизинчи асрда Эйлер жўғрофий хариталар тузиш назариясига татбиқ қилиб «Буюк жўғрофий харита»ни тузишда ишлатибди. Ахир, буларнинг ҳаммаси геоцентризмдан гелиоцентризмга ўтишдаги кўприк эмасми?!

Ал-Фарғоний: — Мен жуда хурсанд бўлдим. Эйлер, Пуанкари, Магнус, Лобачевский Бельтрамий, Клейн ва бошқа олимлар менинг дастлабки ғоямни ривожлантиришибди.

Птолемей: — Хулоса қилиб айтганда, Ал-Фарғоний илмий асарларининг XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниши ва бутун Оврўпага тарқалиши Уйғониш даврининг бошланишидаги илмий-ижтимоий тадбирлардан бири бўлибди. Унинг кашфиётларини жаҳонда мароқ билан урганишибди. Унинг китобларидан фалакиёт соҳасида асосий қўлланма сифатида фойдаланишибди. Ал-Фарғоний рисолалари келгуси замонларда ҳам янги-янги илмий кашфиётларга сабаб бўлади, деб умид қиламиз.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Xullas...

«УЧАР»ЛАРГА РУХСАТ БЕРИЛМАЙДИ

Эстония ҳукумати баъзи автомобиль йўлларидаги қатновни соатига 130 километргача кўтариш ҳақидаги таклифни рад этди. Маълум бўлишича, Республикадаги айрим автомобиль йўллари бундай тезликда юришга мослашмаган. Барибир ҳукумат автомобиль эгаларини хурсанд қилди. Тезликни ошириб бўлмайдиган яъни, соатига 90 километр йўл босиш белгиланган жойларда энди бемалол юз, ҳатто 110 километргача тезликда машина ҳайдаш мумкин.

ГУЛЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Гуллар тилини билиш Шарқда катта бир фандир. Гуллар ранги асабий толиқишни қайтаришдан, ташқари муносабатларни ҳам ифодалар экан. Дейлик, сариқ ранг – айрилиқ, қизил ранг — муҳаббат рамзи, нопармон – маррурлик, жиззакилик. Бинафша ранг эса – дўстликни ифодалайди. Кўк ранг – ишонч ва соғинчдан далолат. Азалия (манзарали ўсимлик)— қайғу ва яккалик бўлса, олча ранг – севги изҳорига ишора. Оқ чинни гул – ишончга ундов, қизили эса қарилик. Лилия тозаликни билдирса, бутакўз садоқатни, қўқонгул қайғуни, бедагул кутиш маъносини билдирар экан.

Билганлар билишар, билмаганлар қўлига илинган гул билан яқинларини хурсанд қиламан дейди. Ҳарқалай, гул танлашда ҳам дид керак.

«ТУТУН» ИЧИДАГИ МАКТАБ

Волгограддаги мактаблардан бири тутунни урганишга йўналтирилган. Россия экология академиясига қарашли бу мактаб саноат чиқиндиларини атмосферага чиқариб ташлашни кузатиш методини ўзлаштириб олишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Волгоградлик эколог-лар бундай методни океан ортидаги ҳамкасбларидан кўриб урганишди. Россия—Америка экологлари атмосфера сифатини бошқариш дастурини ишлаб чиқиб, ўқувчиларни ҳам қизиқтириб қўйдилар.

Дарвоқе, мактабдаги дарсларда ҳар хил вазиятларни моделлаштириш учун тутун мосламасидан фойдаланишади. Бу америкаликларнинг туҳфасидир.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клубида республикада хизмат кўрсатган тренер Анатолий Васильев хотирасига бағишланган бокс бўйича бешинчи халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган турнир очилиши маросимида сўзга чиққан «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М.Ҳайдаров, Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р.Саломов, республика бокс федерацияси раиси Т.Ғуломовлар Ўзбекистонда чарм қўлқоп усталарининг муносиб авлодини тарбиялаган машҳур спортчининг хизматларини қайд этиб, мусобақа қатнашчиларига омад тилашди.

Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан, Қирғизистон ва Россиядан келган 85 боксчи 12 хил вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Шанба куни финалга чиққан 24 спортчи ўртасидаги қизғин, муросасиз курашнинг гувоҳи бўлдик. Бу учрашувда вазн тоифаларига кўра чирчиқлик Э.Эгамқулов, Б.Сарсекбаев, ангренлик А.Қозоқбоев, тошкентлик К.Ҳасанов, М.Соипов, самарқандлик Ф.Нурмаҳаматов, фарғоналик Б.Сиддиқов, навоийлик А.Жалилов, Ғ.Керяклиев, сирдарёлик М.Тен, шунингдек, Россиянинг Уфа шаҳридан А.Ҳасанов, Қирғизистоннинг Уш шаҳридан М.Турахўжаевлар чемпионлик унвонига сазовор бўлишди.

Учрашув ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

БОЛАЛАР НИГОҲИДАГИ ҲАЙРАТ

Республика «Нафосат» ёш қаламкашларининг анъанавий учрашувидан репортаж

Эна, айттил анов баланд,
йўлакларда қандай ёлқин!

Эшитяпсизми, бу ҳайратларда нимадир бор. Бу саволлар тирқишидан оҳорли маънолар мўралаяпти.

У боқади зангор осмонга
Бир зумгина қолади қотиб...

Унинг қотиб қолишларида бир сир бор. Унинг боқишларида, осмон янглиг зангор қароғларида нимадир бор. Ҳа...

Насиб бўлса ўша «нимадир»
Жажжи қалбда бошлар талваса,
Туғилади шунда бир шоир,
Шеър мисоли юраги тоза.

Мен уларни кўрганимда, уларнинг ҳар сўзларида, кўзларида ўша «нимадир» бор эди. Топ-тоза орзуларида, нафис туйғуларида ажиб кенгликлар, соддагина дардлар мужассам эди. Улар — «Нафосат»нинг ғунчалари эди. Дарвоқе, шу кунларда пойтахтимиздаги Нафис санъат лицейида республика «Нафосат» ёш қаламкашларининг анъанавий учрашуви бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларидан ташриф этишган ёш ижодкорлар қаламининг нималарга қодирлигини кўрсатиб беришди.

Ижодкорларнинг ижод намуналарини кузатар эканмиз, уларнинг ҳар бирида улгаётган «дард», ўсиб келаётган сўз борлигини англадик. Дейлик, улардан бири шундай ёзади:

Хотирамга соғинч солади,
Болаликда ёққан лайлак қор.

Ваҳоланки, бу мисраларнинг муаллифи ҳали болаликнинг сирли дунёсини тарк этганича йўқ. Болаликда болаликни соғиниш... Демак, унда «улгайиш» бор.

Мушоирада болаларнинг ижод маҳсулини тинглар экан, йиғилиш иштирокчилари ҳам биз каби илиқ фикрларини баён этдилар. Жумладан, республика халқ таълими вазири Жура Йўлдошев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Ҳошимов ва бошқалар ҳар йили уюштирилаётган ушбу мушоиранинг нечоғлик аҳамияти хусусида айтиб ўтишди. Шунингдек, йиғилишда истеъдодли шоирларимиз Сафар Барноев, Иқром Отамурод, Мукаррама Муродова, Мирзаахмад Олим ва бошқалар иштирок этиб, даврага янада айрича руҳ инъом этди.



Дарҳақиқат, биз «Нафосат» қаламқашларининг мушоирасига ўзимизча чизги берар эканмиз, шуниси ҳам аниқки, журналист хато ёзмаса-да, ҳапқириб ёзади. Шу важдан ушбу тадбирга ўзгалар нигоҳи билан назар ташлашга жазм этганимизда, шоира М.Муродова шундай деди:

—Ижод маҳсули танҳоликда яралса-да, унинг бардошлилик даражаси, яъни асарнинг қадри, баҳоси мана шу хил мушоиралар чоғида аён булади. Шунинг учун ҳар қандай ижодкорга нозиктаъб, адабий давра, нафис муҳит зарур. Менинг назаримда бугун бу даврага жамланган болаларнинг кўзларида ғурур, ҳайрат нурлари товланиб турганлиги ҳам ана шундан.

Олис-олис қишлоқларда турли шароитларда мустақил равишда қўлига қалам олган ҳаваскорлар бугун бутунлай нотаниш қиёфали тенгдошларини ўз шеърлари билан қойил қолдириш истаги билан ёнди. Демак, болада зўр шоир бўлиш истаги яна бир карра ортди. Мушоиранинг бундан аҳамиятлироқ жабҳаси йўқ, менимча.

Сўзимиз сўнгида бир ниятимиз бор:

Бир куни ёмонлик сўроқ бўлади,
Қувончдан ҳапқирган юрак бўлади.
Озод юрт гулларга бурканар бир кун,
Ўшанда кў-ўп шоир керак бўлади.

Алишер НАЗАР

ЭҲ, ОДАМЛАР...

(Ҳикоя)

Калит йўқолиб қолди. Аниқроғи, калитлар йўқолиб қолди. Ташкилотнинг барча калитлари бир ҳалқага солиб қўйилган эди. Кимдир уни унутиб стол устига қўйган экан. Муаллиманинг 5 яшар набираси Комилбек олиб, жиринглатиб утирибди. Жиринглашига маҳлиё бўлиб, жойига қўйишни унутиб, ҳовлига чиқиб кетибди. У ҳовлида ўйнаб юриб, калитларини йўқотиб қўйибди. Ҳовлида катта ариқ бор эди. Ҳозир кеч куз. Уни хазонлар остидан топиш осонми?! Ҳамма калитни қидириш билан овора. Кимдир қўлида таёқча билан, кимдир хаскаш билан хазонлар уюмини титиб юрибди. Ариқчада сув ҳам муздек, ёз бўлса экан, ичига тушиб қидирилса. Шу пайтда Ҳалима опа келиб:

— Менинг калитим алоҳида тургани яхши эди. Қоровул-да, шу калитларга қўшиб қўйган! Мана энди, эшикни нимада қулфлайман? - дедилар. Шоҳиста опа:

—Менинг ҳам калитим шулар билан бирга эди. Тунов куни котибага берувдим. У қўшиб қўйибди. Қани, ўша Феруза. Топиб берсин. Топилмаса тўлаб берсин, - деб котибани қидириб кетдилар.



Ҳалима опа эса:

— Нега менинг калитимни алоҳида қилиб қўймайсиз, — дедилар. Кейин қоровулни силталаб ташлади.

Омбор мудираси бўлса, ҳечам ташвиш тортмай:

- Омборнинг калити иккита эди, яхшиям биттасини директорга бериб қўйганим.

Шу пайт Комилбек қўлида калитларни жиринглатиб келиб қолди. Ҳамма мийигида кулиб қўйди. Ҳалима опа ҳам, қоровулга:

— Аҳмад ака, яхшиям менинг калитимни ҳам қўшиб қўйганингиз. Битта ўзи турганида йўқолса, қайдан қидириб топардим? - дедилар.

Шоҳиста опа эса:

— Айтмовдимми сизга, ташвиш тортманг деб. Кўнглим сезган эди-да, — деб Феруза опанинг елкасига қоқиб қўйдилар.

Эҳ. Одамлар... Одамлар...

Маъмура АЗИМОВА,

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИМИЗ

Ўзбекистон—Ватаним, онам,
Нур таралар боғ-роғларингдан.
Олтин бешик, азиз остонанг,
Бахтим топдим қучоқларингдан.

Ватанимиз қалдирғочимиз,
Озод Ватан ўғил-қизимиз.
Тинчликни деб, дўстликни деб,
Чарақлаган тўп юлдузимиз.

Гўзалликдан яшнайди олам,
Истиқболнинг болаларимиз.
Келажакка ташлаймиз қадам,
Мустақиллик болаларимиз.

Марғуба ШЕРАЛИЕВА,
Ш.Рашидов туманидаги
6-мактабнинг8-синф ўқувчиси

ОЛТИН КУЗ

Кириб келди ўлкамга,
Қанот қоқиб олтин куз.
Дарахтлар товланади,
Қизил, яшил, олтин тус.

Узилиб тушган барглар,
Ариқларда оқади
Иссиқсевар қушчалар,
Жануб томон боқади.

Насиба ТУРСУНОВА,
Учқўрғон туманидаги 6-мактабнинг
6-синф ўқувчиси

Sport maydonchasi

Пахтакор – Нисса 6:0

Биринчи ўйин Туркманистонда 5:0 ҳисобда Нисса (Ашхобод) фойдасига ҳал бўлган эди. Кеча Пахтакор ўз майдонида 6:0 ҳисобида (ҳамма кутган эди) ғолиб чиқди. Тўпларни М.Қосимов(2), И.Шквирин(2), А.Хвостунов ва Д.Назаровлар киритди. «Пахтакор» Осиё кубок эгалари кубогининг навбатдаги босқичида.

СУВ ПАРИЛАРИ

20-26 ноябрь кунлари пойтахтимизнинг В.Митрафонов номидаги сув спорти бассейнида «Сув париси» деб номланувчи синхрон сузиш бўйича аёллар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтади. Унда Россия, Хитой, Қозоғистон, Греция, Канада каби кўплаб мамлакатларнинг сув парилари иштирок этади.

ОМАД ЁР БЎЛСИН-ДА!

Ҳиндистонда бўлиб ўтаётган «Бардолей» кубоги учун халқаро турнирда Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси иштирок этмоқда. Ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказаётган футболчиларимиз финалга чиқишди. Бош совринни қўлга киритиш учун яна бир дадил қадам кифоя.

ОЛИЙ ЖАМОАЛАР

Биринчи табақа жамоалари футбол чемпионатига якун ясашларига 2 тур қолганда, «Янгиер»дан кейин олий табақага йўлланма олган 2-жамоа ҳам маълум бўлди. Бундай бахтга бутун чемпионат давомида юқори савияда ўйин кўрсаттан «Самарқанд» жамоаси сазовор бўлди.

ГИГАНТЛАР БЕЛЛАШУВИ

Европа чемпионлари лигасида 3-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақани ғалабалар билан бошлаган Москванинг «Спартак» жамоаси Миланда «Интер»га 2:1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, Киев «Динамо»чилари сафардан Англиянинг «Арсенал» жамоаси билан 1:1 ҳисобида дурангга эришди.

ЭЪЛОН

Каттақўрғон тиббиёт билим юрти томонидан 1990 йилда ИСАЕВА Нодира Эркиновна номига берилган ПТ—1 № 075819 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Норали ОЧИЛОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0414. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-21.30. Г. 123456